

МУХТАРОВ Бекзодбек

Фан ва технологиялар университети
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, PhD

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ “РИЁЗАТ АЛ-АХЛОҚ” АСАРИДА ТАСАВВУФИЙ ТУШУНЧАЛАР ТАЛҚИНИ

INTERPRETATION OF MUSICAL CONCEPTS IN THE WORK OF NASIRUDDIN SAMARQANDI “RIYAZAT AL-AHLOQ”

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МУЗЫКАЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ В РАБОТЕ НАСИРУДДИНА САМАРКАНДИ «РИЯЗАТ АЛЬ- АХЛОК»

Аннотация. Мақолада Носируддин Самарқандийнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ахлоқлар борасидаги қарашлари таҳлил этилган. Шунингдек, олимнинг ислом ахлоқини жамлаган тасаввуф илмига доир тавҳид, ризо, зуҳд, сукут, шаҳват каби тушунчалар мазмуни ва уларнинг талқини ҳақида илгари сурган фикрлари келтириб ўтилган. Олим ахлоқий қарашларининг бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий аҳамияти ҳамда ёшлар таълим-тарбиясидаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: Самарқандий, ахлоқ, одоб, тасаввуф, тавҳид, ризо, зуҳд, сукут, шаҳват.

Annotation. The article analyzes Nasiruddin Samarkandi's views on ethics regulating social relations. Also, the scientist's ideas on the content and interpretation of concepts such as monotheism, consent, asceticism, silence, lust in the science of Sufism, which summarizes Islamic ethics, are presented. The social significance of the scientist's moral views in society today and their role in the education and upbringing of young people are revealed.

Keywords: Samarkandi, ethics, morality, Sufism, monotheism, consent, asceticism, silence, lust.

Аннотация. В статье анализируются взгляды Насируддина Самарканди на этические нормы, регулирующие социальные отношения. Также представлены идеи ученого о содержании

и интерпретации таких понятий, как монотеизм, согласие, аскетизм, молчание, похоть, в науке суфизма, которая обобщает исламскую этику. Раскрывается социальное значение моральных взглядов ученого в современном обществе и их роль в воспитании молодежи.

Ключевые слова: Самарканди, этика, мораль, суфизм, монотеизм, согласие, аскетизм, молчание, похоть.

КИРИШ

Мовароуннахрлик факих уламолардан бири – Носируддин Самарқандий (ваф. 556/1161 й.) Самарқандда яшаб, ўз даврида ислом илмларининг Куръон илмлари, ақида, фикҳ, одоб-ахлоқ, тасаввуф, тарих ва тилшунослик каби илм соҳалари бўйича билимдон олим бўлган. Олим томонидан ислом динининг турли илм соҳаларига оид кўплаб китоблар ёзилган бўлиб, улардан бир қанчаси бизгача етиб келган. Жумладан, олимнинг одоб-ахлоқ ва тасаввуф илмига оид “Риёзат ал-ахлоқ” (رياضة الأخلاق – “Ахлоқ тарбияси”) асари мавжуд бўлиб, ҳозирда унинг 2 та қўлёзма нусхаси маълум. Манбанинг биринчи нусхаси 868/1562 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган бўлиб, 1268/1842 йилда Саудия Арабистонидаги Малик Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳамза Зоҳир шахсий кутубхонасига киритилган. Иккинчи нусхаси Суриядаги «Зоҳирия» кутубхонасида 11139 рақам остида сақланади. Ушбу нусха 1100/1689 йилда Абдуллатиф томонидан кўчирилган ва 84 варақдан иборат. Ушбу манбада асар номи “Риёзат ахлоқ ан-нафс” (Нафс ахлоқи тарбияси) деб келтирилган.

Самарқандийнинг мазкур асари одоб-ахлоқ, нафс тарбияси, тасаввуф илми ва тушунчалари борасида муҳим манба саналади. Асар риёзат ва унинг турлари ҳақидаги масалалар билан бошланиб, асосий қисмини Самарқандий, шартли равишда, икки қисмга: “Китоб ал-адаб” (كتاب الأدب – “Одоб ҳақидаги бўлим”) ва “Китоб ал-ахлоқ” (كتاب الأخلاق – “Ахлоқ ҳақидаги бўлим”)га бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Самарқандий нафс тарбияси нима учун керак? деган саволга асарнинг кириш қисмида: “Ахлоқни поклаш инсонни бу дунёда бахт-саодатга ва охират кунда эса нажотга

эришишига сабаб бўлади”, – деб айтади. Бу борада Қуръоннинг куйидаги оятини далил қилади: “Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) пок бўлур ва Парвардигорининг исмини ёд этиб, (беш вақт) намоз ўқир” [3].

“Риёзатнинг тартиби” номли фаслда ўз ахлоқини сайқаллашни хоҳлаган инсон, биринчи навбатда, Аллоҳнинг розилигига эришишни мақсад қилиши ва риёзат қилишни У (Аллоҳ)ни зикр қилишдан бошлаши лозимлиги айтилади. Бу билан инсон қалби таскин топиб, турли ёмонликлардан холи бўлади. Қалби хотиржам инсон эса, шошишдан ва тойилишдан холи бўлиб, бир ишни бошлашдан олдин ўйлаб, ўзига яқин инсонлар билан маслаҳатлашиб, кейин у ишга киришади. Шундагина керакли натижага эришади.

Тарбияни эса, инсоннинг ёшлигидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу, биринчи навбатда, ота-онанинг зиммасида бўлади. Шу сабабли Носируддин Самарқандий асарнинг “Риёзат ас-сибён” (Болалар тарбияси) деб номланган фаслида бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Унда: “Бола ота-она учун Аллоҳнинг берган омонатидир. Инсон ҳаёти бамисоли бир оппоқ варақ бўлиб, у ҳаёти давомида унга турли нақшлар чизади ва ҳар хил ёзувлар ёзишга ҳаракат қилади. Аммо инсоннинг бу нақш ва ёзувлари ўчиб кетади. Фақат ўз боласининг қалбига ёзган ёзувлари ва унга чизган ахлоқий нақшлари инсонни ўзига бу дунёда ҳам, охиратда ҳам қайтади. Шу сабабли ҳам ҳар бир ота-она ўзининг оқ қоғоз мисоли фарзандига қандай нақш ва ёзувлар чизишига, яъни таълим ва тарбия беришига эътибор қаратиши лозим бўлади”, дейди [3].

Одоб бўлимида ибодатларни адо этаётганда, илм олиш, илм бериш ва бошқа ижтимоий муносабатлар жараёнида амал қилиниши лозим бўлган одоб қоидаларини санаб ўтади. Хусусан, толиби илмга нафсини ахлоқий ғаразлардан поклаш, илм олишда дунёвий мақсадни умид қилмаслик, устозини ва илмни ҳурмат қилиш, устозининг олдида ўзини хор тутиш ва туғёнга кетмаслик, илм олиш барча пайғамбар ва авлиёларнинг йўли эканини эсдан чиқармаслик лозим бўлади. Чунки пайғамбар ва уламолар ўзининг мартаба-лавозимлари ёки мол-дунёлари билан эмас, балки уларга берилган илм билан саодатли бўлишгани таъкидланади.

Шунингдек, муаллиф илм берувчи муаллим ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб: “Устозлар ўзининг ўқувчиларига ўз фарзандлари каби меҳр-шафқатли бўлиши лозим. Ўзи ҳам гўзал ахлоқ соҳиби бўлиш билан бирга, ёмон хулқ ва одатлардан холи бўлиши талаб этилади. Устознинг берган илми бу дунёда кўпчиликка манфаат етказса, охиратда ўзи ва бошқаларга савоб келишига сабаб бўлади”, – дейди.

Бу мавзулардан сўнг Носируддин Самарқандий инсонларнинг кундалик ишлари ва фикрий амаллари борасидаги одобларни бирма-бир санаб ўтади. Уларга: таҳорат, намоз, закот, садақа, рўза, Қуръон ўқиш, дуо қилиш, кечаси таҳорат билан ухлаш, таомланиш, зиёфат, талок, савдо, тижорат, суҳбат, биродарлик, оилавий яшаш, касал бўлиш, жаноза, сафар ва бошқа шу каби одоблар киради. Хусусан, рўза тутиш одоби ҳақида тўхталиб, Самарқандий рўзадорларни уч тоифага бўлади: “Биринчи тоифа, ом (оддий мусулмон)ларнинг рўзаси – бунда рўзадор эрталабдан кечга қадар емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинлик қилмоқдан ўзини сақлайди. Иккинчи тоифа, хосларнинг рўзаси бўлиб, унда рўзадор емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинликдан тийилиш билан бирга, тана аъзолари билан гуноҳ қилишдан сақланади ва шу билан бирга, кимдир унга тили ёки қўли билан озор берган бўлса, уни авф этади. Учинчи тоифа эса, хосларнинг хоси бўлиб, бунда рўзадор Аллоҳ ва унинг ризосидан бошқа барча нарсаларни тарк этади”, – деб таърифлайди.

Касал бўлиш одоби борасида Самарқандий шундай дейди: “Чиройли сабр қилиш, нолиш ва инграшни кўпайтирмаслик, чиройли сабр қилиш ва албатта, Аллоҳга таваккал қилиб, унинг дардига шифо беришига ишониш ҳамда хайрли дуо қилиш – беморликнинг одобидир” [3].

“Одоб ҳақидаги бўлим”да ижтимоий одобларга таъриф берилганидан кейин “Ахлоқ ҳақидаги бўлим”га ўтилади. Ахлоқ бу инсонлар орасида намоён бўладиган кишининг хатти-ҳаракатлари мажмуи бўлиб, улар яхши ва ёмон хулқларга ажралади. Носируддин Самарқандий бу хулқларнинг биринчи ҳарфларига эътибор қилган ҳолда араб алифбосига мослаб бобларга бўлиб, унга мос хулқларни кетма-кет санаб ўтади ва атрофлича шарҳлаб беради. “Ахлоқ ҳақидаги бўлим” араб алифбосининг биринчи

харфи – “Алиф” харфи боби билан бошланиб, дастлаб, бу бобда “الاستكبار” – “Кибрланиш” ахлоқи ҳақида сўз боради. “Кибрланиш – бу кишини ўз нафсида такаллуф ва мағрурликни касб қилиб олиши, ички ва ташқи ҳолатида ўзини бошқалардан устун қўйиши”, – деб таърифлаган. Асарда кибр мавзусига алоҳида эътибор қаратилиб, унда кибрнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, кибрли инсонларнинг ахлоқи ва манманликнинг дунё ва охиратда келтирадиган зарарлари борасида айтиб ўтилган. Чунки ҳамма ёмонликларнинг бошланиши инсон ўзини бошқалардан улуғ ҳисоблаб, уларни менсимасликдан келиб чиқади. Натижада, кибрли инсон қилаётган ишларини тўғри деб ўйлаб, яқинларининг маслаҳатлари ва насихатларига кулоқ солмай, ўзини ҳар бир ишда ҳақ деб ўйлайди. Бу эса, аввало кибрланган кишини ўзига, қилаётган ишига, кейин эса, унинг атрофидаги жамият аъзоларига зарар еткази.

Шунингдек, бу бобда “Исор” (ўз манфаатидан бошқаларни афзал қўриш), “Истеҳзо” (масҳара қилиш), сирларни фош этиш, ихлос, вакил бўлиш, инсонийлик каби хулқлар келтирилган.

“Ба” харфи боби бахиллик мавзуси билан бошланиб, беадаб сўқиниш, бекорчилик ва ношукрлик каби мавзулар ҳақида сўз боради ҳамда бундай иллатлар қораланади. Хусусан, беадаб сўзларни айтиб сўқиниш инсоннинг ўз нутқ кучи ва ақл қувватида фахш нарсаларга тобе ҳамда ёмон хулқ соҳиби эканига далил бўлади. Бекорчилик эса, бу инсоннинг дангасалиги бўлиб, меҳнат қилмасдан, машаққат чекмасдан, текиндан келадиган нарса билан кун қўришга ўрганиб қолишдан ҳосил бўлади. Бу эса, бекорчи инсоннинг ҳар хил бузуқ ишлар билан машғул бўлишига, охир-оқибатда эса, бошқаларнинг қўлига қараб, уларга қул бўлишига сабабчи бўлади.

“Та” харфи бобида Носируддин Самарқандий тавозеъ, тавҳид, таваккул, мақтанчоқлик, чуқур кетиш, такаллуф, ўйламасдан гапириш, менсимаслик, иккиюзламачилик, тўқлик, фаровонлик, хушмуомалалик каби мавзуларни таърифлайди. Хусусан, хушмуомалалик мавзусида бу – бағрикенглик ва кечиримлиликдан иборат хулқ, деб атаган.

Асарда ахлоқий тушунчалар юқоридаги сингари бобларга, ҳар бир боб унга тегишли

мавзуларга ажратилиб баён этилади. Бу билан муаллиф Самарқандий кишиларнинг феъл-атворида учрайдиган яхши ва ёмон хулқларни кўрсатиб беришга, уларнинг моҳиятини очишга, инсонларни ёмон иллатлардан огоҳ қилиб, ҳусни хулқ ва чиройли фазилатлар билан хулқланишга чорлайди.

“Ахлоқ ҳақидаги бўлим”да эса инсониятга хос бўлган яхши ва ёмон ахлоқлар араб алифбоси асосида келтирилиб, уларга таъриф ва тавсифлар беради. Шунингдек, асарда тасаввуфий тушунчалар ҳақида ҳам тўхталиниб, уларни батафсил шарҳлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, “Ахлоқ ҳақидаги бўлим”да: тавҳид, зикр, зухд, ризо, хавф ва ражо, ростгўйлик, жидду-жаҳд, жалол, жамол, саҳийлик, овозни баланд қўтармаслик, дуо, ваъда, омонатдорлик, раҳмат, рағбат, шаҳват, шараф, шавқ, шукр, шавкат, иззат, авф, уъжуб, ғулув, ғурур, фахш, қаноат, кусур, қиём, мадх, муруқаба, муҳосаба ва бошқа шу каби тушунчалар атрофлича баён этилан.

Тавҳид. Тавҳид ҳақида Самарқандий шундай таъриф беради: “Шаҳодат калимасини тил билан айтиб, у билан эътиқод қилишга тавҳид деб аталади” [3:88]. “Тавҳид” сўзи араб тили луғатида “яккалаш”, яъни бир нарсга яккаю ёлғизлик нисбатини бериш ва унинг кўп ададда эканини инкор этиш маъноларини англатади. Мулла Али Қорий бундай дейди: “Абадий барҳаёт Зотнинг яккаю ягоналигини тасдиқлаш тавҳид деб аталади” [4:10]. Тасаввуф таълимотининг энг биринчи ахлоқи тавҳидда мустаҳкам бўлиш бўлгани боис олим бу мавзуга тўхталиб ўтади.

Зикр. Тасаввуфнинг амалий жиҳатлари зикрда намоён бўлади. Самарқандий зикр сўзини эслаш, яъни ҳар доим Аллоҳ эслаш маъносида деб келтиради. Ҳамда бу иш аввало инсонинг қалбида ва тилида бўлишига ишора қилади. Бунга Бақара сураси, 152, Моид сураси, 4 ва Аъло сураси, 14-15оятларни далил қилади [3:147].

Шунингдек, олим ақлий ва нақлий далилларга кўра Аллоҳни зикр қилиш унга қилинган ибодат ва итоатларнинг энг афзали эканини таъкидлайди. Бунинг сабаби сифатида обидларнинг рағбати, солиқларнинг йўли, Аллоҳга бўлган унс, муҳаббат, шавқ ва ризо келтирилади.

Зикрга Қуръон тиловати, Аллоҳнинг исм-сифатлари, дуо ва саводлар киради. Аммо Носируддин Самарқандий Аллоҳ таолонинг неъматларини эслаш ҳам зикр экани айтади. Бунга Бақара сураси, 47, Оли Имрон сураси, 103, Анфол сураси, 26-оятларни далил қилади. Набий алайҳиссаломнинг “Аллоҳ таолонинг неъматларини гапириш шукрдир” деган сўзларини ҳам келтиради.

Ризо. Ризо – шахснинг нафс хоҳиш-истакларидан халос бўлиб, Аллоҳнинг инсон тақдирига ёзган барча яхши ва ёмон ишларига эътироз қилмасдан рози бўлишдир. Бу тасаввуфдаги энг олий мақомлардан бири ҳисобланиб, банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббатидан келиб чиқади. Самарқандий айтади: “Аллоҳ таолодан рози бўлиш солиқларнинг энг олий мақоми бўлиб, Аллоҳ таоло оятади: “Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлди” (Моида сураси, 119-оят) ва “Аллоҳнинг розилиги улугдир” (Тавба сураси, 72-оят) деб таъкидлаган” [3:154].

Олим мавзуга доир бир нечта ҳадислардан намуналар ҳам келтириб ўтади. Жумладан, Набий алайҳиссалом айтади: “Агар Аллоҳ тало бир бандани яхши кўрс, уни синайди. Агар сабр қилса, саралаб олади. Агар рози бўлса, танлаб олади”. Демак, ризо Аллоҳнинг тақдирига, яхши ва ёмон ишларга розилик илоҳий неъмат ва Аллоҳнинг марҳамати билан юзага келади. Самарқандий айтади: “Улуғлардан бири Саҳл бетоб бўлса, касалига муолажа қилмас эди. Ундан нега бундай қилишини сўрашса, у киши маҳбубининг зарбаси оғритмайди, деб жавоб берар эди”. Олим бу ҳикоя билан ризонинг келиб чиқиши кишининг муҳаббатига боғлиқ эканига ишора қилади.

Зухд. Тасаввуфий тушунчалардан бири бўлган зухд – дунё моли, ҳою-ҳавасидан кўнгил узмок, дунё лаззатидан тийилмоқни ифода этади. бу тушунча ҳам тариқатлардаги юксак мақомлардан бири ҳисобланади. Самарқандий зухдни дунёдан юз ўгириш деб таърифлайди. Унинг шарти сифатида дунё ноз-неъматларини ўз ихтиёри билан тарк этиш тушунилади. Олим агар киши ўзи ихтиёрига кўра дунёдан юз ўгирса зухд, агар мажбурликдан ихтиёрсиз тарк этса фақр бўлишини айтади [3:160].

Зухднинг тескарисини дунёга бўлган ҳирс бўлиб, олим зоҳидликка эътибор ва дунёга

бўлган ҳирсни тарк этиш сабаблари сифатида кишини ўтганларнинг ҳаётидан ибрат олишга чақиради. Дунёнинг ўткинчи экани, жуда тез фурсатда ўтиб кетиши унга рағбат қилишга арзимаслигини таъкидлайди. Бу борада Набий алайҳиссаломнинг: “Агар Аллоҳ таоло сени яхши кўришни хоҳласанг, дунёдан зухд қил!” деган сўзларини келтиради.

Бу билан инсон дунёдан бутунлай юз ўгириб, тарки дунёда яшаши керак деган ҳулоса келиб чиқмайди. Балки зухд деб инсоннинг ўзига ва бошқаларга фойдаси бўлмаган, беҳуда гап ва ишларни тарк этиши ҳамда гуноҳлардан четда бўлишига айтилади. Шу маънода уламолар зухдни қуйидаги қисмларга бўлишган:

1. Ҳаромдан зухд (юз ўгириш) қилиш. Бу Қуръони карим ва ҳадиси шарифда манъ қилинган нарсаларни қилмаслик;

2. Шубҳали нарсалардан зухд қилиш. Бу шубҳанинг даражасига қараб, агар кучли бўлса – вожиб, кучсиз бўлса – мустаҳаб;

3. Ортиқча нарсалардан зухд қилиш. Бу кўп гапиришдан, мол-дунёга муҳаббат қўйишдан зухд қилинади;

4. Умумий зухд. Бунда Аллоҳнинг зикридан чалғитувчи нарсаларни барчасидан зухд қилинади [5:53].

Сукут. Тилни тийиш инсонга хос фазилат бўлиб, бу билан инсон ўзни кўп офатлардан сақлайди. Сукутнинг сабаби ҳам тил офатларидан яхши хабардор бўлишдадир. Ислом таълимотида сукут қилиш макталган ахлоқлардан ҳисобланади. Шу боис Носируддин Самарқандий бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) сафода туриб, қуйидагиларни айтди: “Э тилим, яхшилиқни сўзла, мукофотланасан ёки сукут қил, надомат қилишдан олдин саломат бўласан!” Шунда бир киши: “эй Абдуллоҳ! Бу ўзингизни гапингизми ёки уни эшатганмисиз” деб сўради. Ибн Масъуд (р.а.): “Йўқ. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Одам боласининг аксар хатолари ўз тилидан бўлади” деганларини эшитганман”, деб жавоб берди [1:107].

Тасаввуф таълимотида сукут сақлаш ҳам узлатнинг бир бўлаги бўлиб, узлатдан мақсад одамлардан ўзини олиб қочиш эмас, балки халққа ёмонлик қилмаслик ва ҳис-туйғуларини жиловлаш тушунилади.

Шаҳват. “Риёзату-л-ахлоқ” китоби муаллифи шаҳватни инсон нафсининг лаззатга

бўлган табиий мойиллиги деб таърифлаган. Унга тобеъ бўлиш шариатда ҳам, ақл эгалари наздида ҳам қораланган. Самарқандий шахватнинг энг ашаддий кўринишлари сифатида қорин шахвати, жинсий шахват, тил шахватини келтириб, бу борада Набий алайҳиссаломнинг: “Инсонларни дўзахга киритадиган энг кўп амал қайси? деб сўралган саволга: “Икки нарса: тил ва фарж (жинсий аъзо)” деб берган жавоби зикр этилган [3:168].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Носируддин Самарқандийнинг “Риёзат ал-ахлоқ” асари тасаввуфий тушунчалар ва уларнинг талқини борасида ёзилган илк асарлардан бири ҳисобланади. Китоб икки қисм: одоб ва ахлоқ бўлимларидан иборат. Олим яхши ва ёмон ахлоқларни араб алифбоси тартибида бошланувчи сўзлар асосида тузиб чиққан. Уларнинг аксарияти жамиятдаги ижтимоий-маънавий ахлоқларни аниқлаш ва уларни тарбия этишга қаратилган. Шунингдек, асардаги комил инсонни шакллантиришга урғу берувчи тасаввуфий тушунчалар талқинига ҳам кенг ўрин ажратилган. Мазкур китобдаги ахлоқий тушунчалар нафақат ўз даврида, балки бугунги глобаллашув жараёнидаги ёшлар таълим-тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансуров. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020.
2. Абу Нуайм Исбахоний. Ҳияту-л-авлиё ва табақоту-л-асфийё. – Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмийя, 1988. – Ж. 4.
3. Носируддин Самарқандий. Риёзату-л-ахлоқ. // Самих Иброҳим Солих таҳқиқи сотида. – Байрут: Дару-л-башоир, 2006.
4. Мулла Али Қорий. Зовъул маолий. – Истанбул: Дар Саодат, 1962.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Рухий тарбия. – Тошкент: Шарқ, 2008. 2-жилд.
6. Исмоил Пошо ибн Муҳаммадамин Бағдодий. Изоҳ ал-макнун фи аз-зайли аъла кашф аз-зунун аън асоми ал-кутуб вал-фунун. – Байрут: Дор ихё ат-тарос ал-арабий, 2008. – Ж. 2.
7. Мухтаров Б. Носируддин Самарқандийнинг «Риёзат ал-ахлоқ» асари ахлоқий тарбия

борасида муҳим манба // Исломиёти. – Тошкент, 2019. – № 2. – Б. 90-95.

8. Мухтаров Б. Ахлоқий тарбияни ривожлантиришда Носируддин Самарқандий маънавий меросининг аҳамияти // Этика ва эстетиканинг долзарб масалалари. Даврий тўплам № 4. – Тошкент, 2020. – Б. 108-114.
9. Хайридин Зириклий. Ал-Аълам. – Байрут: Ливан: Дор ал-илм ал-мулайин, 1665. – Ж. 7.
10. Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашф аз-зунун ан асоми ал-кутуб вал-фунун. – Байрут, Ливан: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж. 2.